

Диний таълим муассасаларида янги ўқув йили бошланиш санаси маълум бўлди



13:54 / 25.08.2025 1890

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тегишли буйруғи билан олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларида янги 2025/2026-ўқув йилини бошлаш саналари тасдиқланди.

Унга кўра:

ўрта махсус диний таълим муассасаларининг барча курс талабалари ва олий диний таълим муассасаларининг 1-курс талабалари учун дарс жараёнлари 2025 йил 3 сентябрдан;

олий диний таълим муассасаларининг 2 ва ундан юқори курс талабалари учун 8 сентябрдан бошланади.